

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

“Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси” фанларидан

РЕФЕРАТ

Мавзу: “МИЛЛИЙ ҒОЯ” ФАНИДА И.А.КАРИМОВ
АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”

Бажарди: тадқиқотчи: Холиқов Б.

Текширди: доцент Юсупов Ш.

**МАВЗУ: “МИЛЛИЙ ҒОЯ” ФАНИДА И.А.КАРИМОВ
АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”**

Р Е Ж А :

К И Р И Ш

1.Президент асарлари библиографияси.

**2.Президент асарларида миллий мафкура масаласининг
ёритилиши.**

**3.«Миллий ғоя» фанини Президент асарлари асосида
ўқитиш.**

Х У Л О С А

Фойдаланилган адабиётлар.

К И Р И Ш

Миллий ғоянинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни ҳамда аҳамияти миллий ғоя учун асос бўлиши билан белгиланади. Миллий ғоя ва миллий мафкура эса халқни миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли ва таъсирчан омилига айланди. Миллий ғоя ва миллий мафкура туфайли ижтимоий-тарихий амалиёт аниқ мақсадли, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва уларни ҳаётда қарор топдириш йўналишини олди. Миллий ғоя фақат миллий ва умуминсоний қадриятларнинг узвий бирлигини ифода этгандагина ижтимоий тараққиётнинг қудратли омилига айланиши мумкин. Миллий ғоянинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришдаги ўрни ва мақоми худди шу нарса билан боғлиқ.

Мақсадимиз миллий ғоянинг ҳам миллий мустақиллик мафкураси билан, ҳам миллий мафкура билан чамбарчас бирлигини, улар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, миллий ўзликни англаш, сиёсат ва умуман маънавият билан ҳар томонлама ижтимоий тараққиёт ва ҳозирга давр жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлида ривожланаётган Ўзбекитсон Республикасининг бутун ижтимоий-тарихий амалиёти билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш, миллий ғоянинг ва унинг негизида камол топадиган миллий мафкурани кенг халқ оммаси онги ва ҳаракатига янада чуқурроқ сингдириш учун айрим тавсиялар баён қилишдан иборат.

Биз шунинг учун ҳам ғоянинг асосларига, яъни инсон, жамоа, жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига бу қадар эътибор билан қарамоқдамизки,

биринчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли, омма онига таъсири, самарадорлиги, жами куч-қудрати бирон бир восита билан ўлчаниши лозим, яъни кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш хусусияти билан баҳоланмоғи керак. Ғояда мужассам мақсадлар борлиқни ўзгартиради, ривож топади ва такомиллаштиради, унинг ўзи ҳам ўзгаради ва ривож топади ва жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини амалга оширади.

Иккинчидан, ижтимоий субъектнинг эҳтиёжлари, ғоялари ўртасидаги алоқадорликда муҳим жиҳатлардан бири бу ижтимоий субъект айрим якка шахсдан бошлаб халқ, жамият, жами инсоният ҳамжамятига қадар ғоя ўзи учун орзу бўлган воқелик, тафаккур тарзи, фаолият-амалиёт мақсадларини уюштирувчи ибтидо тарзида эҳтиёж сезади, унга эътибор беради.

Учинчидан, шу эҳтиёжлар, манфаатлар, умидларга жавоб берадиган, уларни мақсадлар шаклида ва уларга элтадиган янада умумий шакл-воситалар ва омиллар шаклида ифодаладиган ғоялар шаклида ифодаладиган ғоялар чиндан ҳам ижтимоий субъектнинг қудрат манбаига айланади.

Тўртинчидан, ғоя инсон, турли ижтимоий бирликларнинг борлиғи тимсоли, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг мақсадлардаги ифодаси

тарзида ҳам гавдаланади, ривожланаётган инсон моҳиятининг ўзига энг мос келадиган ижтимоий ва якка шахс мавжудлиги, турли шароитлардаги эҳтиёжлари ифодаси сифатиданамоён бўлади: одатлари, идеаллари ифодаси ва айни пайтда унинг асоси тарзида уларнинг ўзлигини англаш ифодаси, ижтимоий тараққиётнинг объектив ва субъектив омиллари тарзида намоён бўлади.

Бешинчидан, инсон, жамоа, жамият, жами инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар вертикал бўйича ўтмишдан ҳозирги ва келажак сари ҳамда горизонтал бўйича инсон, миллат, элат минтақадан бошқа кишилар, миллатлар, элатлар, минтақалар, жами инсоният сари ворисийлик қонуни асосида ривожланади. Миллий ғоя миллатни бирлаштирувчилик вазифасини бажаради. Шу боис у миллат манфаатларига, бошқа халқларга хавф туғдирадига реакцион, шовинистик миллий ғояга қарши туради ва шу билан миллат, халқ, жамиятнинг бирлашишига хизмат қилади. Миллий ғоя нафақат ижтимоий онг ҳодисаси сифатида, балки жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий соҳаларини ислоҳ қилувчи амалиёт сифатида, жамиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тизимида фаолият ва тараққиёт амалиёти тарзида ҳам мавжуддир. Яъни миллий ғоянинг шаклланиши, бир томондан ижтимоий тараққиётнинг натижаси ва маҳсулидир, иккинчи томондан эса унинг муҳим омилларида биридир.

Миллий ғоя ва миллий мафкура ҳар қандай жамият учун зарурдир. Чунки мамлакатлар ўз тараққиётини миллий ғоя ва мафкура орқали белгилаб оладилар. Шунинг учун ҳам бизда миллий мафкурани шакллантириш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди. 2000 йил 6 апрел куни миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз томонидан миллий ғоя ва миллий мафкуранинг аниқ концепциясини яратиш вазифаси қўйилди.

Албатта, биз бу масалага, Президентимиз асарлари ва бевосита мафкурага тааллуқли бўлган мақолаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашувимиз керак. Шунингдек, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар бўлаётган бир шароитда мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиш мумкин эмаслигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Чунки айнан ана шундай бўшлиқ туфайли бизнинг республикамизга айрим ғаразли ғояларнинг кириб келишга уринишлари содир бўлди. Бундай мафкуравий бўшлиққа йўл қўйилишининг кўпгина сабаблари бор. Энг муҳим сабабларидан бири, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди».

Эндиликда мамлакатимиз ривожланиш йўлига ўтиб олди, халқимизнинг тафаккурида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди, бундай шароитда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтариш объектив заруриятга айланди. Бизнингча, миллий истиқлол

мафкурасининг концепциясини яратихда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчидан, миллий ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти ва мазмунини улар ўртасидаги боғлиқлик ва фарқларни Президентимиз асарларида олға сурилган фикрлар асосида таҳлил қилиб бермоқ зарур. Президентимиз миллий ғоя халқнинг миллий манфаатидан келиб чиқишини ва уни ўзида ифода этишини, у мустақил тафаккур маҳсули эканлигини, мафкура эса, халқ табиатиға, турмуш ва тафаккур тарзига, унинг миллий манфаатиға мос бўлган ғоялар тизими эканлигини таърифлаб берган. Демак, мафкура миллий ғоя мақсади йўлида уни амалға ошириш учун халқни унга ишонтиради, жипслаштиради, сафарбар этади.

Иккинчидан, янги яратилган мафкура концепциясининг таянч нуқтаси, унинг асосий мезони нималардан иборат бўлиши лозим? Бу масалада ҳам Президентимиз «Мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлишизарур, яъни халққа, бор ҳақиқатни очик айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларға чорлаш керак» деган фикрни олға сурдилар. Албатта, бу масалани ҳам биз илмий жиҳатдан таҳлил қилиб беришимиз зарур. Ана шундагина, Президентимиз таъбири билан айтганда, қўл билан ушлайдиган, кўз билан кўрадиган мафкуравий концепция яратилади.

Учинчидан, биз мафкура концепциясини яратишда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларини ўзаро уйғунлашуви йўлларианиқ ишлаб чиқишимиз зарур. айниқса, миллий хусусиятларимизни қандай йўллар билан замон талаблари асосида бой этишимиз мумкин. Бу жараён тез ва силлиқ содиб бўлмайди. Одамлар замон талабларига мос келмайдиган кўникмаларидан осонгина воз кечавермайдилар.

Тўртинчидан, миллий мафкура концепциясини яратишда дин ва дунёвий ҳаёт тушунчалари, улар ўртасидаги мўътадил муносабат масаласи энг нозик масала бўлиб турибди. Президентимиз «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобиди: «Ёшларға дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бириға таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак» деган талабни қўйдилар. Биз дунёвий тараққиёт йўлидан боряпмиз. Оламни илмий объектив идрок қилишни эса дунёвий тараққиёт йўли талаб қилади. Дунёвий фанларни юксак даражада ривожлантириш йўли билан фаровонликка эришиш мумкин. Биз динлараро бағрикенглик ғоясини олға сурмоқдамиз. Лекин дин дунёвий тараққиётға қандай, қайси йўллар билан ёрдам бериши мумкинлигига аниқлик киритмоқ зарур.

1. Президент асарлари библиографияси.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий буйруқбозлик ва зўравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. Миллатчилик, ирқчилик, фашизм ғояларининг давоми бўлган коммунизм мафкураси инқирозга учраб, мустамлакачиликнинг сўнгги кўрғонлари қулади. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишнинг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни амал қила бошлади. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли кўрилмаган кенг миқёсли янгиланишлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умумжаҳон янгиланишлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гуруҳ давлатлар, айти чокда эса барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётида бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Дунё янгиланишлари жараёнига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда кириша бошлади.

Ўзбекистон умумпланетар ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишига қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён эта бошлади.

Ўзбекистонда амалга оширилган фавқултдда кенг кўламдаги ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарақ эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумпланетар мўлжаллар доирасида изчил ва тадрижий кечаётган ялпи ўзгаришларини ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий – сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш ҳамда илмий – назарий умумлашмалар қилиш асосида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиланишлар ривожини ўзига хос кечаётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётни умуминсоний мақсадли ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шарт-шароитлар яратиш, либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга даъват этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёнлари бошланишига назарий пойдевор қўйилди.

Давлат тузуми, жамият қурилиши ва шахс маънавияти дунёсини тубдан ислоҳ қилиш янгиланаётган давлат, ўзгараётган жамият ва комил шахсни яратиш имконини берди. Давлат, жамият ва шахсни янгिलाш жараёнлари, бу жараёнларни мақсадли бошқариш нечоғли ақлий шижоат, доно сиёсат ҳамда матонатни талаб этаётганлигига амин бўлиб турибмиз.

Зеро бу бошқарув сермашаққат ва мураккаб кечувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар, мафкуравий таъсир ва тазйиқлар, махсус юзага келтирилган миллий-ижтимоий тангликлар ҳолатлари шароитида амалга оширилди. Бу бевосита мамлакат раҳбарининг ўзига хос ноёб истеъдодидан, фаол сиёсий

интеллектуал салоҳиятидан, Ислом Абдуғаниевич Каримов шахсининг фавқуллодда феномен эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ялпи янгиликлар жараёнини икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. Биринчиси, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиликлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳитида мурося, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

Ўзбекистонда ялпи янгиликлар жараёни мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Қонунлар ўзгаришлар жараёнларидан аввал юриши керак», деган доно методологик кўрсатмаси асосида амалга оширила бошланди.

Даставвал, Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий-меъёрий асослари («Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», 1993, «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996.) яратилди. Мамлакатнинг истиқлол давридаги янги Конституцияси қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик ғоялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалди. Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Кўппартиявийлик тизими таркиб топишига («Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», 1996.) кенг шароит яратилди. Жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келди. Инсон ҳақ-ҳақуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг («Янгича фикрлаш ва яшаш давр талаби») ҳуқуқий асослари вужудга келмоқда. суд ҳокимияти мустақиллик моҳияти ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинмоқда. («Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», 1993.)

Миллатлараро тотувликни таъминлаш чоралари кўрилди. Миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий Қуролли кучлар тизими яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг («Ўзбекистон. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли») асосий тамойиллари доирасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Иқтисодий ислохотларнинг «Ўзбек модели» («Ўзбекистон. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида») вужудга келди. Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пул-кредит сиёсати тамойиллари ишлаб чиқилди.

Мулкчилик, мулкка эгалик тушунчалари шаклланди. Мулкдорлар табақаси вужудга келмоқда. Хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъсинлаб берувчи миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», 1993; «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996.) англашда тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Ал-Мотурудий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, («Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар», 1992; «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», 2000.) янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгिलाш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига айланди. («Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳақорлик», 1995; «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 1998.) У Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигида ўзига хос ва ўзига мос ўринга эга бўлиб, минтақа тараққиётида муҳим ўрин тута бошлади. Марказий осий давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилди.

Бундай кенг кўламдаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни чиқур асосланган илмий-назарий таҳлилни, назарий умумлашмалар, хулосалар чиқаришни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ижтимоий-гуманитар фанлар олдига долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Дарҳақиқат, ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади.

Одамлар тафаккурида, феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янгича қарашлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизми ўзгарди. Ўзбек менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳада туб янгиланишларга, ўзгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Президент Ислом Каримовнинг жамиятни тубдан янгिलाш концепциясини инсоният тарихининг турли давларида, турли мамлакатларида юз берган туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар ҳодисасига қийслаш мумкин.

Президент Ислом каримов Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгिलाш назарияси ва кўп қиррали ислохотлар концепциясини яратиши жиҳатидан Америка Қўшма Штатлари давлатининг асосчиси ва унинг биринчи

Президенти Жорж Вашингтон, Америка иқтисодий тараққиётига жуда катта илмий-назарий ва амалий таъсир кўрсатган ислохотчи, президент Авраам Линкольн, жамиятни эркинлаштириш ва демократия назариясининг асосчиларидан бири, президент Томас Жефферсон, Индонезияда мустамлакачиликка қарши курашган, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари тўғрисида қатор асарлар ёзган Аҳмад Сукарнолар билан бир қаторда туради. Францияда Шарль де Голль, Ҳиндистонда Жавоҳарлоъл Неру, Махатма Ганди, Туркияда Мустафо Камол Отатурк, Мисрда Жамол Абдул Носир ва бошқалар ўзининг сиёсий фаолияти, янгиликлар концепциясини ишлаб чиқиши билан жаҳон тараққиётига қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, Президент Ислам Каримовнинг давлат сиёсатини инсон манфаатларига хизмат қилдириш, тинчлик маданиятини қарор топдириш, ижтимоий ҳамкорлик доираларини кенгайтириш борасидаги қарашлари, амалий концепциялари дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларининг инсонийлашуви тенденцияларини мустаҳкамлашди шунчалик муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айни пайтда жаҳон сиёҳчилик тажрибаси «Ўзбек модели» пайдо бўлганлигини тан олмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгиликлар бевосита Президент Ислам Каримов асарларида нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Демак. Туб ислохотлар моҳиятини ҳар томонлама ўрганадиган, уни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этадиган ҳар бир киши Ислам Каримов асарларига мурожаат этиши, уни жиддий равишда мутоала этиши зарур.

Зеро, Президент Ислам Абдуғаниевич Каримов томонидан яратилган янгиликлар концепцияси кеча, бугун ва эртадан иборат катта воқеликни яхлит идро этишга йўл очади. Янгиликлар концепцияси ўзбек халқини жаҳон ҳамжамияти давраида муносиб ўрин олишга, ўзлигини англашга, озод ва обод жамият қуришга, юртимизни буюк маърифат мамлакатиги айлантиришдек муқаддас мақсадларимизга эришишда абадий ва қудратли маёқ бўлиб йўлларимизни чароғон этиб туради.

И.Каримов асарларидаги фалсафий фикр ва мушоҳадаларни янги мукамал фалсафий тизим сифатида баҳолаш учун қуйидагилар асос бўлади.

1. Ҳозиргача маълум бўлган фалсафий тизимларнинг бирортасида маънавият масаласи И.Каримов асарларидагидай атрофлича ва чуқур таҳлил қилинмаган.

2. На ўтмишдаги, на ҳозирги фалсафий тизимларнинг бирортасида И.Каримов асарларидагидай ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида олиб қаралган. И.Каримов маънавиятни ижтимоий тараққиёт пойдевори, деб аташ билан чекланмасдан, бу улкан яратувчи кучнинг турли ижтимоий ҳодисалар шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги ролини мукамал таҳлил қилган.

3. И.Каримов асарларида маънавиятнинг ижтимоий жараёнлардаги ўрни ва роли очиб берилишидан ташқари, унинг вужудга келиши ва

ривожланишидаги ўзига хослик ва қонуниятлар ҳам фалсафий-мантикий таҳлил қилиб берилган.

2. Президент асарларида миллий мафкура масаласининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил суверен давлат сифатида янги сиёсий мақомга эга бўлиши табиий суръатда унинг ҳам назарий, ҳам ғоявий асосларини белгилаб беришликни тақозо қилади. Чунки, республика мустақилликка эришгач унинг тақдири ва келажагини ташқаридан туриб, юқоридан ҳеч ким белгилаб бермас эди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва ўзи яшашга қодир субъекти сифатида ўз сиёсий муносабатларини, ўз ғоя ва қарашларини ўзи белгилаши керак эди.

Шу боис кун тартибидаги муҳим масала – мавжуд ижтимоий муносабатларни, ғоявий қарашларни такомиллаштириш ёки уни давлатнинг янги сиёсий мақомига мослаш бўлиб, балки Ўзбекистонга ташқаридан олиб кирилган, халққа мажбуран сингдирилган эски, қотиб қолган назария ва қоидалардан воз кечиш керак эди. Бу борадаги амалий қадамлардан бири эски синфий қарашлардан, партиявий мафкурадан юз ўгириб, миллий мустақиллик мафкурасига эга бўлиш лозим эди.

Бу илмий дунёқараш нуқтаи назаридан ҳам, назарий сиёсий қарашлар нуқтаи назаридан ҳам, айтиш чоғда тикланиш борасида ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида мутлақо янгича талаб ва заруриятга эга эди. Демак, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти янги мафкурага эга бўлишликни кун тартибига долзарб вазифа сифатида қўя бошлади. Шу нуқтаи назардан мафкуранинг ўзи нима? У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида қандай рол ўйнаши керак, каби масалаларни мушоҳада қилмоқ лозим.

Мафкура лотинча сўз бўлиб, ғоялар ҳақидаги таълимот маъносини билдиради. У жамият қандай характер касб этишидан қатъий назар, зарур ижтимоий тушунчадир.

Шуни айтиш керакки, мафкура масалаларида кейинги йилларда МДХ давлатларида ҳар хил фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, собиқ Иттифок таркибидаги ҳудудларда «бугун умуман мафкура керакми? У давлат мафкурасими ёки миллий мафкура бўлиши керакми?» деган саволлар илмий жамоатчилик, сиёсатшунослик томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

Хусусан, бир неча йиллардан буён, Россияда Россияга янги давлат мафкураси керакми деган мунозара давом этмоқда. Айрим мутахассисларнинг фикрича, сиёсий ва мафкуравий плюрализмга асосланган жамиятга, давлат мафкураси ролига даъвогарлик қилувчи мафкурага ўрин йўқ. Айрим ҳолларда бундай ёндошув тарафдорлари ўз ғоявий рақибларини тоталитар фикрлашда айблайдилар. Аксинча, давлат мафкурасини шакллантиришнинг тарафдорлари эса уни жамиятни жипслаштирувчи қурол деб ҳисоблайдилар.

Бу шуни кўрсатяптики, Россияда янги мафкурага ва қарашларга унинг сиёсий, назарий ва фалсафий асосларига таъриф беришда яқдил фикр йўқ.

Лекин биз учун масаланинг бошқа томони муҳимдир. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, Ўзбекистонда МДХ давлатлари, жумладан, Россиядан фарқли ўлароқ, мафкура масалаларида ўзига хос йўл тутилади, мамлакатда шакллантирилаётган миллий давлатчилик тизими талабларидан келиб чиқиб иш тутилди. Сир эмас, мафкурасизлик кишиларда эътиқодсизликка олиб келади. Эътиқодсизлик эса ҳар кимнинг ўзича яшашига кўнгил тусаганича кун кўришга, ҳаёлига келган иш билан шуғулланишга олиб келади. Бу якка-якка шахсларнинг ҳатти-ҳаракатидан бутун жамият маънавий-руҳий қиёфасининг қай тарзда шаклланишига сабаб бўлади.

Мафкурасизлик охир-оқибатда одамлар онгида манқуртлик, қалбида, феъл-атворида андишасизлик ва ниҳоят ўзлигини англамаслик хислатларини чуқурлаштиради. Жамиятда эса парокандаликни, беқарорликни келтириб чиқаради. Жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган пайтда одамлар ҳаётида фййзу тароват қолмайди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида вужудга келган иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий қийинчиликлар бир муддат одамлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатди, уларни саросимага солиб қўйди. Чунки ҳар бир инсон ўз ҳаёти, қолаверса, жамият ҳаётини янада яхшилаш, уни ўзгартириш учун нималар қилиш кераклигини, бунга эришмоқ йўллари кўрсатилган, жамиятнинг туб мақсад ва вазифалари ифодаланган ғоялар жамланмасини билгиси келади. Бироқ, бундай фазифани бажарувчи ғоялар тизми ҳали йўқ эди. Демак, мафкура мавжуд ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, уни ўзгартириш, ривожлантиришга йўналтирилган қарашлар тизими, инсон ижтимоий фаолиятининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида ўз ўрнига эган.

Жамият мафкурасиз яшай олмас экан, у Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда қандай рол ўйнамоғи лозим? Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мафкура кишиларнинг умумий мақсад ва вазифалар атрофида бирлаштирувчи умумманфаат йўлида бирлаштириб ҳаракат қилишга даъват қилувчи сафарбарлик кучига эга бўлган қурол, мамлакатда ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган ғоялар тизими бўлмағи лозим эди. Шу боис Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг биринчи куниданоқ демократик кадриятларга содиқлигини изҳор қилди. Шунга мос тарзда якка ҳоким партиявий мафкура ҳукмронлигидан воз кечилди, бу янги миллий давлатчилик табиатига мос келмаслиги эълон қилинди. Жумладан, Президент и. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобидаёқ янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни қафолатлаш ҳақида гапириб, «бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъий воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар хилма-хиллигини тан олиш»¹ лозим деб уқтиради.

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққит йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 18-б.

Бу қоида Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, бош қомусимизнинг 12-моддасида «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»² деб қайд қилинади. Дарҳақиқат, 1991 йил охирига келиб иттифоқ тарқалиб кетганлиги, кўпчилик республикаларнинг мустақил суверен давлат мақомига эга бўлганлиги, жамиятда юз берган демократик жараёнлар, ҳурфикрлиликка интилишхалқнинг миллий онги муттасил ошиб бориши мавжуд ҳодисаларга янгича фикр ва кўз қараш билан қарашни тақоза қилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янгича қарашларни, муносабатларни қарор топдириш лозим эди. Чунки, ўз келажагини «янгилаган» федерация таркибида эмас, балки мустақил миллий давлатчилик қарор топгандагина, республика ўзининг тўла сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигига эришгандагина белгилаш мумкинлигини анчагина илгари тушунган бу борада ўзининг қатъий қарорига келган эди. Бинобарин, халқни янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу мақсадларини бир йўналишга буриб, уларни уйғунлаштириш учун ягона ғоявий қурол зарур эди.

Ўзбекистон бошқа иттифоқ республикалар ичида биринчилардан бўлиб ўзини мустақил республика деб эълон қилди. Бу, албатта Ўзбекистон учун буюк тарихий воқеа, миллий истиқлол мафкура шаклланишида янги даврнинг бошланиши эди. Шу билан айтиш мумкинки, одамлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида бирмунча гангиб қолишди. Турли сафсаталар, хатти-ҳаракатлар, «ғоявий қурашлар», «хонаки» ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Бир маромдаги турмуш ва бир қолипдаги фикрлаш тарзи бузилиб, саросималик, тўқнашувлар ва парокандалик кайфияти кучая борди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эсамафкуравий яккаҳокимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари қатламларини, талаб-эҳтиёжларини маънавий – рухий чанқоқлигини қондира оладиган баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор эди. Бу бевосита узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва ақидалардан халос бўлиш, йнинг бирёқлама, ҳавойи, баландпарвоз даъватларидан воз кечиш каби оғир, вақт талаб этадиган жараён билан боғлиқ эди. Энди тафаккур тарзи ва қарашларни тубдан ўзгартириш учун, энг аввало, ўша даврнинг бош мафкурачиси собиқ коммунистик партия ғояларидан воз кечиш, қолаверса, бутунлай янги, замон талаблари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган мафкурани ишга солиш зарур эди. Ана шу ҳодисалардан келиб чиқиб, И. Каримов 1991 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Компартияси XXIII съездида шундай фикрни баён қилади: «Биз маданий инқилобнинг ғалабаси ҳақида гапирмоқдамиз, маданият ва санъат эса ҳозир оғир тинчликка дучор бўлган. Бу мафкуравий зулмнинг оқибатидир. Партия шу йиллар мобайнида «социализмнинг асосларини бунёд этиш», «кенг кўламда коммунизм»,

² Янгисидан бетини топиб қўйиш керак.

«ривожланган социализм» куриш билан машғул бўлиб келаверди. Ҳар хил «изм»лар, орзу-ҳаваслар, мақсадлар ҳақида гапипғарар эканмиз, ниҳоят шуни уқиб олишимиз керакки, бу ёруғ дунёда инсоннинг ҳаётидан кўра қадрли бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг аҳволи ёмон эди, ҳозир ҳам ўзганган эмас»¹. Президент ўз фикрини давом эттириб, «Коммунистик партия босиб ўтган йўлни таҳлил этиш ва унга баҳо беришдан мақсадимиз шуки, ҳар бир киши энди ниҳоят кўзни очиб, турмушга разм солсин. Мафкуравий акидалардан воз кечсин, ҳақиқатга рўй-рост қарасин»², деган эди.

Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг янги даврига кирганига, кишиларда шубҳасиз янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни талаб қила бошлаганига эътиборни қаратди. Ўз фикрини ривожлантириб, Президент аввалги яккахукмрон мафкура мулкка муносабатда эгасизлик тушунчаларини кишилар онгига сингдириб келганини, у тадбиркорликка йўл очмаслигини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам шўролар даври мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бошқача қилиб айтганда, боқимандалик тушунчасини сингдириб келган эди. Бундай ёндашиш кишиларда ташаббусни бўғиб қўярди. Чунки уларда ўзининг самарали меҳнатидан масъулиятни ошириш туйғуси йўқолади. Шунинг учун ҳам Олий Кенгаш X сессиясида чинакам Мустақил Ўзбекистон давлатини барпо қилиш йўлида барчанинг бирлашишига эришиш куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйилди. Бундай вазифани эса барча учун муқаддас ҳисобланган миллий истиқлол мафкураси, мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилганғоялар орқали уддалаш мумкин эди. «Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!»¹ - деб мурожаат қилган эди И. Каримов сессия қатнашчиларига.

Бу борада 1992 йил мустақиллик арафасида Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб аталган китобнинг нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди. У ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида янги даврнинг бошланиши эди. Тўғри, шу вақтга қадар Ўзбекистонда мустақиллик ҳақида, у ёки бу тарзда гаплар бўлган. Бироқ, мустақил давлатни барпо қилиш, унинг назарий, иқтисодий, маънавий жиҳатлари, истиқлолни мустаҳкамлаш йўллари бу даражада атрофлича талқин қилинмаган эди. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳам кимдир ҳис-ҳаяжон билан, баъзилар оғир-вазминлик билан истиқлол ҳақида фикр юритди. лекин, унинг келажаги, истиқлолни янада мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топдириш ҳақида бирор-бир илмий-таҳлилий асар ёки мақола юзага келмади. Ана шу нуқтаи назардан И. Каримовнинг бу асари республикада яратилажак истиқлол мафкураси учун назарий асос, маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди.

¹ «Инсон ва сиёсат» журнали, 1991, № 11, 19-б.

² Ўша ерда.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 14-б

Китобда «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир»¹ - дейилади. Бундай қондани ёш мустақил давлатда, сиёсий ислохотларни жорий қилишда, миллий давлатчиликни қарор топтиришда бошқача тақдир қилиб эмас, балки, ҳорижий тажрибага ёндошиб юрт, халқ, жамият келажагини, истиқболини белгилашнинг назарий асоси деб билмоқ керак.

Аслида Президент ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти куриш ҳақидаги назарий қондаларни асослар экан, «Ўзбекистон – бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»² - деб уқтиради.

Шунингдек, асарда мустақил Ўзбекистон давлатининг халқчиллик тамойилларининг ҳам назарий асослари ва қондалари белгилаб берилган. Муаллиф ўз рисоласида «Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг ҳошиш-иродаси сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларнинг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак»³, - деган хулосани илгари суради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг маънавий ривожини негизларини балгилаб берар экан, ватанпарварлик ғоясига алоҳида урғу беради. Бинобарин, Ватанни севиш халқимизга хос бўлган азалий қадрият ҳисобланган.

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» номли иккинчи китоби босилиб чиқади. Бу ҳам мамлакатда ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу рисолада муаллиф мустақилликка эришилгандан кейинга дастлабки давр учун хос бўлган муҳим сиёсий хулосалар чиқаради. Хусусан, мазкур китобда мустақиллик халқимизнинг сиёсий онгини ўстиргани, ҳолқда чинакам ватанпарварлик ҳис-туйғуси шаклланиши кўрсатилади. «Бугунги Ватаннинг ҳар бир фарзанди она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланыпти. Истиқлол берган катта бойликлардан биринчиси ана шудир»¹, - дейилади китобда.

Шунингдек, ушбу китобда 90-йилларнинг дастлабки йилларини тавсифлайдиган яна бир муҳим назарий хулоса қилинди. Жумладан, китобда «Ўзбекистонда янгиланган жамиятни барпо этиш йўлида бошланғич босқичдан ўтилди. тоталитар тузумдан, бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларида демократик жамиятга ва бозор муносабатларига ўтиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Бор ҳақиқат шундан иборатки, биз ҳамма ишга бир вақтнинг ўзида, бир йўла киришишга, муаммоларнинг ҳаммасини бирваракай очишга ҳозирча қодир эмасмиз. Шунини ҳисобга олиб,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли Т.: Ўзбекистон, 1996, -- бет.

² Ўша ерда, 14-бет.

³ Ўша ерда, 15-бет.

¹ Каримов И. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1993, 8-б.

биз 1993 йил ва ундан кейинги йилларнинг истиқболини кўзлаётган бир пайтда, биринчи навбатда ҳал бўладиган ва халқ хўжалигини оғир аҳволдан тараққиёт ва равнақ йўлига чиқарадиган энг муҳим муаммоларни очиш ҳақида бош қотиришимиз керак»², - дейилади.

Итсиқлол мафкурасининг назарий жиҳатлари Президент И. Каримовнинг айниқса кейинги йиллардаги нутқ ва рисолаларида атрофлича ёритиб берилди. Хусусан, 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари» мавзуида кенг қамровли маъруза қилди ва у китоб ҳолида нашр қилинди. Ана шу сессияда сўзланган нутқ бизнинг қарийб тўрт йил мобайнида тўпланган тажрибаларимизни умумлаштириб, давлат сиёсатининг тактика ва стратегиясини аниқ-равшан белгилаб берди. Миллий истиқлол мафкурасининг асл ўзагини, бутун мазмун-моҳиятини, кўлами ва миқёсини кўрсатиб берди.

И. А. Каримовнинг яна бир асари «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» нашр этилди. Мазкур асарда жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгилаш ҳамда тараққий эттиришнинг назарий ва амалий негизларини белгилаб бериш тамойиллари ишлаб чиқилди. Ҳозиргача ушбу китоб жаҳоннинг кўп мамлакатларида нашр этилди, ўнлаб тилларга таржима қилинди.

Мустақиллик ҳақидаги қарашлар, ғоялар мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан доимий ривожлантирилмоқда. Бу борада унинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбати янада аҳамиятлидир. Хусусан, Президент «Мафкурасиз одам, жамият ва давлат ўз йўлини йўкотади...

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»¹, - деб таъкидлайди.

Бизнингча, Президент мустақиллик мафкурасини жамият мафкураси бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурар экан, бундай мафкура қандай ғояларни ўзида мужассамлаштиришлигини ҳам кўрсатиб беради. Жумладан, И. Каримов фикрича мустақиллик мафкураси бу – биринчидан, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикр ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва ҳуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ

² Ўша жойда, 20-б.

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: Ўзбекистон, 1998, 4-б.

атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак.

Учинчидан, мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа миллат, элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан мутлақо ҳоли бўлиб, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёҳ авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимиздамададкор бўлиши керак.

Бешинчидан, у ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак¹.

Демак, юқоридаги қарашлари билан муаллиф мустақиллик мафкурасини жамият тараққиётининг муҳим омили, давлат мустақиллигининг асосий шарти деб билади.

Хусусан, мамлакат раҳбари 1993 йилнинг 23 апрелида бир гуруҳ адиблар билан учрашувда, шу йили май ойида мамлакат Олий Кенгашининг XII сессиясида мафқрасиз, аниқ йўналишга эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини таъкидлаб, кин тартибидаги энг муҳим масалалардан бири – миллий истиқлол мафкурасини яратиш эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда (1993 йил 7 декабр) давлат мустақиллиги ва инсон ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатини яна бир бор кўрсатиши билан бирга, уни маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг асосини ҳам белгилаб берди. Унда мамлакат Президенти нутқ сўзлаб, миллий мафқуранинг миллий эҳтиёж даражасига кўтаради. Барчанинг диққат эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди ва «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Янги мафқуранинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир», - деб алоҳида таъкидлади у. Сўзини давом эттирар экан, у «Миллий мафкура ҳақида ҳозир кўп гапирамиз. Фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Миллий мафқуранинг онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак»¹, - деган фикрни илгари суради.

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: Ўзбекистон, 1998, 14-15 бб.

¹ Жўраев Н., Файзуллаев. Истиқлол ва тарихий жараён. Т., 2000, 55-56 бб.

3. «Миллий ғоя» фанини Президент асарлари асосида ўқитиш.

2000 йилнинг 6 апрел куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социологи, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари бу йиғилишнинг асосий мақсади – жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура хусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларинимухокама қилишдан иборатлигини айтди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўҳна тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Бинобарин, И. Каримов таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги инстилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий мафкура бўлиши шарт. Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор. Шу боис ҳам президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келган. Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари йиғилиш қатнашчиларига тарқатилган янги тўпламда жамланган эди.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар, ёзувчилар, маданият намоёндаларининг матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу масаланинг нақадар кенг қамровли муаммо эканлигини тасдиқлайди, деди Ислом Каримов¹. Албатта, олиб борилаётган ишларимиз, қарашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмасда, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр уйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишларда билдирилаётган фикрлар ва қарашлар баъзан бири-бирига уйғун келмаслиги, айрим жойларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Лекин бу ҳолат замирида ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно – мазмунида ҳам бугун халқимиз бошидан

¹ Адабиётни топиб, сноска бериш керак.

кечираётган ҳаёт учун бу масаланинг нечоғли долзарб эканини . унинг моҳичтини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали-хануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам инобатга олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов бу борадаги фикрларини баён этиб, «авваломбор, ўзининг келажагини кўрмоқчи қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак»лигини таъкидлади. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида, яъни – мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамокдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Йўлбошчимиз бундай мақсадларга, аввало, чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура орқалигина етишиш мумкинлигини уқтирди.

Ўрта ва катта ёшли авлод эски тизим даврларини боширғдан кечирган ва охириги ўн йил давомида қандай оғир йўللарни босиб ўтганимиздан хабардор. Учунчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса. Миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор, деди Президент¹. нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда ва бу курашда енгилш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда. Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзи сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир. Шу сабабли ҳам биз учун ўзимизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура керак.

Юртбошимизнинг фикрича, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

¹ «Миллий мафкура – мамлакат келажаги пойдевори». Маърифат, 2000, 8-апрел

Олтинчидан, миллий ғоя олдига қўйиладиганасосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, энг аввало унинг икки суянган тоғи – таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур. Ислом Каримов миллий мафкурамиз, биринчи навбатда халқимизнинг миллий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ав фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини айтди.

Еттинчи масала – миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишига, баҳслашишига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги керак. Лекин шу билан бирга, миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон замжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт, деди давлатимиз раҳбари.

ХУЛОСА.

И. А. Каримов мустақил республиканинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва шу дастур ўз ифодасини топган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992) номли китобини чоп этди. Бу ҳақиқий ватанпарварлик, халқпарварлик намунаси ва жасорати эди. Унинг бу жасорати эрқпарвар, истиқлолпарвар кишилар руҳини кўтарди, дадил ҳаракат қилишга илҳомлантирди. Бу, педагогика тили билан айтганда, мустақиллик руҳида тарбиялашнинг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекитсон Президенти истиқлол тараққиётининг бешта тамойилини кўрсатиб берди. Улар Ўзбекистонда, биринчидан, мустақилликни ҳимоя қилиш, иккинчидан, уни мустаҳкамлаш, учинчидан, равнақ топтириш ва тараққиё эттириш босқичларида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, мустақиллик ва унинг ривожини таълим-тарбия ишларида ташқарида тасаввур этиш мумкин эмас. Демак, шу икки нарсани бир диалектик уйғунликда тушунмоқ, моҳиятини яхши англамоқ ва уларни буюк мақсад сари ўйналтирмоқ лозим.

Тан олиш керакки, халқ иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши зарурлиги сабабларини аллақачон англади. Илгари мавжуд бўлган «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» нақлига амал қилинмоқда. Чунки оч-яланғоч, қашшоқ кишига ҳеч бир ташвиқот, ҳеч бир тарғибот таъсир қилмайди. Демак, халқ ҳозирги кунда фақат иқтисодни яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида ўйлайди ва меҳнат қилади. Одамларнинг шу хулосага келиши биринчи тамойилнинг бевосита тарбиявий таъсири ўлароқ, бу тарбияшуносликдаги буюк бурилишдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг давлат биринчи навбатда иқтисодиёт ислоҳотига алоҳида эътибор барди. Бошқача айтганда, марказдан берилган буйруқлар, тавсия этилган яроқсиз режалар ёхуд айрим гуруҳлар, фирқа ва уюшмалар сўзилари билан ислоҳот ўтказиш қийин. Чунки ҳар бир гуруҳ, фирқа ва уюшмалар ўз манфаатини устун қўйиб ҳаракат қилади. Бундай ҳатти-ҳаракат халқнинг айрим қатламлари учун наф келтириши мумкин. Бироқ умумхалқ ва давлат манфаати бир чеккада қолиб кетади. Худди шу ва бошқа асосларга кўра давлат бош ислоҳотчилик ролини ўйнаши шарт.тарихдаги давлатчилик ақидалари, аждодлар тажрибалари давлат юритишдаги шу шакл ва мазмунни тақозо этади. Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, ҳозиргача бизнинг давлатчилик ва халқбундай кўникма ва малакага эга эмас. Бу 74 йил давомида мутеълик, куллик ва боқимандалик оқибатидир. Шу зикр қилинган иллатларни бартараф этишда таълим-тарбиянинг ўрни ва вазифаси бекиёсдир.

Давлат бош ислоҳотчилик ролини бажарар экан, бунда қонунчиликнинг устуворлиги жуда зарур омилдир. Агар ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермер ва ширкат хўжаликлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари муайян конституциявий қонун асосида иш юритмасалар, юритилаётган иқтисодий ислоҳотларни кўзланган буюк мақсадлар йўлидан тойдириши мумкин. Шунинг учун оддий фуқародан тортиб президентгача

барча инсонларнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланиши зарур. Ҳамма, у ким бўлиши ва қандай мансабда ўтиришидан қатъий назар, қонун олдида тенг бўлмоқликлари керак.

Қайси соҳада бўлмасин, қонун устувор эмас экан, диёнат ўрнини қабоҳаат, яхшилик ўрнини ёмонлик, тараққиёт ўрнини тушкунлик, адолат ўрнини хиёнат эгаллаши муқаррар. Билъакс, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, шарқона анъаналар ўз ўрнига тушади, ҳаёт ва турмуш яхшиланади. Қонун устуворлиги фуқаролар онгига сингиб қолган салбий, ноинсоний тушунчаларни сиқиб чиқаради. Бу тамойилнинг ғояий аҳамияти ҳам шундадир.

И. Каримов асарлари устида иш олиб борган Битирув-малакавий ишимиз ва уни ҳаёт-турмуш тажрибалари билан қиёсий ўрганиш устувор қонунчилик туфайли миллий мафкурамиз равнақ топади, деган хулосага келдик. Мустақилликни мумтаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларни жадал суръатлар билан амалга оширишнинг асосий таянчи — бу меҳнаткаш халқдир. Меҳнаткашларнинг ота-оналари, болалари, қариндош-уруғлари ижтимоий жиҳатдан ҳимояланса, улар истиқлол истиқболига ишонади. Бу ишонч меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун Президентимиз асосий диққат-эътиборни халқ ишончини қозонишга қаратмоқда.

Юртбошимиз И. Каримовнинг асарларини янада пухта ўрганиш, уларни умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбиявий ва ғоявий асосда ўргатишни кенг жорий этиш зарур. Чунки, уларда,

биринчидан, мустақиллик моҳияти, унинг мақсад ва вазифалари, иккинчидан, янги тузумнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва педагогик принциплари,

учинчидан, янги ташкил топган тузум ғояси ва ақидалари билан мустаҳкам қуролланган инсонларни тарбиялаш усуллари,

тўртинчидан, аҳоли турмуш даражасини тинмай ошириб бориш, бошқача айтганда, халқ фаровонлигининг тобора юксалишига асосий диққат-эътиборни қаратиш ва уни амалга оширишнинг аниқ режа ва йўллари,

бешинчидан, одамлар онгида эски тобелик, боқимандалик кайфиятини бутунлай сиқиб чиқариб, янгича мустақиллик ғояси ва миллий истиқлол мафкурасини тўла сингдириш каби инсонпарварлик, истиқлолпарварлик масалалари ишонарли ва асосли равишда кенг ёритилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. –Т.: 2008.
2. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин”. Тошкент., Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. Тошкент., Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Т-9. Т.: «Янги авлоди», 2001..
5. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-6. Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. «Халқ сўзи» газетаси 17 май 2005 йил.
7. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т. «Ўзбекистон». 2005.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” Олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти. 2001.
10. Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шахри». – Т «Адабиёт», 1993.
11. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. – Т.: «Академия», 2003.
12. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
13. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО. Париж, 1996.
14. Бобоев Ғ. Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
15. Бобоев Х. (хаммуаллифликда) Миллий истиқлол мафкураси ва ижтимоий тараққиёт. Тошкент., 2001.
16. Имом Бухорий. «Ҳадис». 4 жилдлик. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1993.
17. Каримов Иброҳим. “Ғоями ёки мафкура”, Хуррият газетаси. 2003.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
19. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
20. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. “Қисқача изоҳли луғат” Тошкент., 2002 .
21. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
22. Туленов Ж. “Қадриятлар фалсафаси” Тошкент., Ўзбекистон, 1998 йил. 85-108 бетлар.